



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

Shu aziz Vatan — barchamizniki

• 2008-yil • 15-aprel • Seshanba • 49 (27.854) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига асосан шу йилнинг сентябрь ойида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллиги нишонланади.



Суратда: Ўзбекистон Миллий университетининг бир гуруҳ иқтидорли талаба-ёшлари.

✓ **Муносабат**

МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТ — МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Президентимизнинг «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори бу даргоҳда таълим олган ва олаётган, ёшларга устозлик қилаётган, тақдири мазкур илм маскани билан боғлиқ бўлган барча-барчани ҳаяжонга солиб, қалбини тўлқинлантириб юборди

Миллий театр, Миллий кутубхона, Миллий энциклопедия, Миллий боғ, Миллий университет. «Миллий» сўзи кўшиб айтилаётган номлар унчалик кўп эмас. Бу муқаддас сўз замирида ҳар

қандай миллат тақдирида нон каби азиз, Ватан сингари муқаддас бўлган чексиз мазмун-моҳият мужассам.

2-бет

✓ **ЎзХДП ҳаёти**

Ўзбекистон ХДП минтақавий кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтаётди. Уларда партия кенгашлари ижроия кўмиталарининг ҳисоботи, партия ташкилотларининг Марказий Кенгаш VIII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг ўтган йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти, партия ташкилотларининг 2007 йилдаги бюджетни ижроси ва 2008 йил учун бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинмоқда.

МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

фаоллик, ташаббускорлик ва жонқуярликни талаб этади

— Ўтган йилда Тошкент шаҳар партия ташкилотлари томонидан аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян саъй-ҳаракатлар қилинди, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши пленумида шаҳар партия кенгаши раиси Учқун Шойимқулов. — Жорий йилнинг муҳим ҳусусияти бу мамлакатни демократик модернизациялашнинг жадал амалга оширилишидир. Бунда асосий эътибор сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгиллаш, демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялашдаги ролини янада кучайтиришга қаратилмоғи зарур. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши эса партиямиз барча тузилмаларига алоҳида масъулият юклайди. «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёшлар

йили» Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан Ўз фаолиятини тўлиқ номоён этиши керак. — Бошланғич партия ташкилотларимиз фаолиятини жонлантириш биз учун бу йилдаги энг устувор вазифаларидан бири бўлмоғи лозим, — деди шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарида Абдурахимова. — Бу электратимиз ва хайрихоҳларимизга яқин бўлиш, уларнинг қўллаб-қувватлашларига эришишнинг энг мақбул йўли, деб ўйлайман. Бундан ташқари, ҳозир маърузада ўтган йил давомида Собир Раҳимов туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига бор-йўғи 10 тагина мурожаат бўлгани айтилди. Нима, бу туманда электратимизни ташвишлантираётган

масалалар йўқми? Ёки қабулхона номигагина фаолият кўрсатаётганимиз? Менимча, бу аҳвол Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятига ҳам хиддий эътибор қаратишимиз зарурлигини кўрсатади. — Ёшлар орасида олиб бораётган ишларимиз, тadbирларимиз доирасида уларнинг гоёвий, сиёсий қарашларини ривожлантириш, фаол йигит-қизлар ҳисобига сафимизни тўлдириб бориш билан бирга, уларда турли иллатлар, ёт гоёларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантиришимиз даркор, — деди «Прожиқ Восток» МЧК раҳбари Яков Ямчинов.

2-бет

✓ **Форум**

ДЎСТЛИККА ҒУБОР ҚЎНМАСИН

Ғузор туман марказидаги ўйингоҳда «Шу азиз Ватан — бarchамизники» деб номланган дўстлик форуми бўлиб ўтди. Унинг бош шiori — «Ўзбекистонда яшовчи турли миллат аёллари ва ёшлари жиноятчилик, терроризм ва гиёҳвандликка қарши» эди.

Форумда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Имомова сўзга чиқиб, юртимизда барча миллатлар ўз миллий қадриятларини асраб-авайлаб ривожлантириши учун катта имкониятлар яратилгани, турли миллат вакиллари дўст-иноқ яшаётганларини алоҳида таъкидлади ҳамда оилани мустаҳкамлаш, ёшларимизни ёт таъсирлардан асрашда оналаримиз, аёлларимизнинг хизматлари беқиёс эканлигини айтиб ўтди. Кейин эса 10 нафар фаол аёлга кўмитанинг фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғаларини топширди. «Ҳисоролди-нефтигақидирув» экспедицияси жамоаси 50 нафар иқтидорли талаба ва ўқувчилар учун

банкда ҳисоб-рақами очиб, уларга 50 минг сўмдан маблағ ўтказди. Айни пайтда Ғузор туманида 25 миллат вакиллари аҳил-иноқликда яшамоқда. Қўшни туманлардан форумга меҳмон бўлиб келган турли миллат вакиллари рўзгор тутиш, касб-хунар борасидаги кўникмаларини намойиш этишди. Ўзбек, рус, туркман, қozoқ, татар ва бошқа тилларда Ватан, дўстликни мадҳ этувчи кўй-қўшиқлар янгради.

Марина ЛОРЕНЦ, тadbиркор, немис: — Шу жойда туғилдим, ёшим 30 дан ошди. Қўни-қўшилар билан ниятда аҳилмиз. Топганимизни баҳам кўраемиз. Ўзбек тили она тилимдай азиз. Ниятим — ана шу дўстликка ғубор қўнмасин.

Рахия ДЕЙЛИС, ўқитувчи, яхуди: — Болалар жону дилим. Узoқ йиллар мобайнида мактабда тарих фанидан сабоқ берганман. Киндик қоним шу тупроққа тўкилган. Умр йўлдошим Анастасий Спировнинг миллати грек. Ахир, дунё кенг, аммо Ўзбекистон ягона, уни кўз қорачиқдай асрашимиз керак.

Ноҳира ЭШМУРОДОВА, дехқонбодлик тadbиркор: — Қўнғирот қишлоғиданман. Оиламиз билан миллий ўй-ўтов олиб келдик. Яна жун йиғириш, гилам тўқиш каби хунарларимизни ҳам намойиш қилдик. Дўстлик форумида ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари, гўзал кўй-қўшиқлари барчага байрам қайғитини улашди. Зеро, бу ёруғ оламда Ўзбекистон ягона, у юракларда, қарoғларда бўйланур.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Хорижий ижтимоий-сиёсий, таҳлилий нашрлар ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши (СЕАП) саммитидаги нутқини кенг шарҳлашда давом этмоқда.

Россиянинг «РИА Новости» ахборот агентлиги Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Бухарестда «Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган» гоётада муҳим ташаббусларни илгари сурганига эътибор қаратади. «Бугун Ўзбекистон раҳбари фақатгина мулоқот гуруҳи доирасидаги музокаралар жараёнини қайта тиклашни таклиф этаётгани йўқ. Президент 2001 йилгача фаолият юритган «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантиришни илгари сурган ҳолда унинг доирасидаги музокараларда НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этиши лозимлигини назарда тутмоқда. Афғонистонда ушбу ташкилотнинг куруллой кучлари фаолият юритаётгани ҳисобга олинса, мазкур таклифнинг моҳияти аён бўлади. Президент Ислам Каримовнинг фикрига кўра, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнида барча манфаатдор томонлар иштирок этгандагина ушбу мамлакатни қайта тиклаш борасидаги кенг қамровли режа ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади», — дея қайд этади агентлик.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг нутқи Кувайт Давлати оммавий ахборот воситаларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ушбу мамлакатнинг «Ал-Ватан», «Ал-Жарида», «Ал-Кабас», «Ал-Рай» каби етакчи даврий нашрлари юртимиз раҳбари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга бағишланган қатор таҳлилий мақолаларни эълон қилди. Жумладан, «Ал-Ватан» газетаси Президент Ислам Каримов Бухарестдаги Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитидаги нутқида НАТОни афғон халқининг ижтимоий-иқтисодий

эҳтиёжларини қондириш, аҳолини иш билан таъминлаш, мамлакатдаги ҳокимиятнинг вертикал бошқарув тизимини такомиллаштириш, ҳокимият нуфузини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишга даъват этди. Бу эса ўз навбатида, халқаро коалиция кучлари Афғонистон аҳолисининг ишончини қозонишига хизмат қилади. «Ўзбекистон раҳбари аҳолининг диний ва миллий-маданий қадриятларини ҳурмат қилиш, кам сонли миллатлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва ушбу масала билан боғлиқ бўлган барча қарорларни таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Бу муҳим талабларни ҳисобга олмасдан Афғонистондаги муаммоларни ҳал этиш, мамлакатда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш мумкин эмас», — деб ёзади газета.

Кувайтнинг «Ал-Жарида» газетаси ҳам ушбу фикрни ривожлантирган ва Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган таклифларнинг аҳамиятига урғу берган ҳолда юртимиз раҳбарининг 1997-2001 йилларда БМТ кўмағида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги музокаралар жараёнини қайта тиклаш ташаббусига алоҳида тўхталади.

«Маълумки, Афғонистонга қўшни давлатлар — Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Эрон, Покистон, Хитой ҳамда Россия ва Америка Қўшма Штатларининг ваколатли вакилларидан таркиб топган ушбу гуруҳнинг фаолияти Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича умумий тамойиллар ва ягона ёндашувни ишлаб чиқишга қаратилган эди», — деб ёзади «Ал-Жарида».

Ушбу мавзуга «Ал-Кабас» газетаси ҳам тўхталиб жумладан, давлатимиз раҳбарининг «музокараларда НАТО

ваколатхонаси иштирок этишини ҳисобга олиб, «6+2»ни «6+3» гуруҳига айлантириш борасидаги ташаббусига эътибор қаратган.

«Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш борасидаги ташаббуслари илк бора илгари сурилган йўқ, — деб ёзади «Ал-Рай» газетаси. — Ушбу масалага бағишланган учрашув ва музокаралар авваллари ҳам қўллаб ўтказилган. Бироқ Евроатлантика саммити каби юксак минбардан бундай тақлифлар илк бор янгради».

Оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг ислом динига қарши амалга оширилаётган асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик зарурлиги тўғрисидаги фикрларига ҳам алоҳида тўхтаган. Давлатимиз раҳбарининг фикрлари ўринли ва ўз вақтида билдирилганини таъкидлаган ҳолда «Ал-Рай» газетаси ўз мақоласини Голландия парламенти депутати Геерд Вилдерс томонидан суратга олинган ва мусулмонларнинг диний тўғри-ғуларини таҳдирловчи «Фитна» ҳужжатли фильми яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ТИВ ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги хабаридан олинган кўчирма билан тўлдирди.

«Ислам динига нисбатан наватбатдаги ҳужумлар ҳозирги кун дунёсида динлараро низо-ларни атайин келтириб чиқаришга бўлган интилишдан ўзга ҳеч нарса эмас. Бу хилдаги бемулоҳаза ва масъулиятсиз таъналар тинч-тотувликда яшашнинг энг асосий тамойилларига путур етказиб, халқаро ҳуқуқ, одоб ва ахлоқнинг умумэътирофи атилган меъёрларига зиддир ҳамда уларни ҳеч бир вақтда ишонтиришлар билан оқлаб бўлмайди», — деб ёзади Ал-Рай газетаси.

«Жаҳон» АА

УСТОЗЛАР ҲУЗУРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларининг Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти тингловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

ФРАНЦИЯДА ТЕМУРИЛАР АССОЦИАЦИЯСИНING ЮБИЛЕЙИ НИШОНЛАНДИ

— Амир Темур жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган буюқ шахс эди, — дея таъкидлади французлик олим. — Амир Темурнинг беқиёс хизматлари яна шу билан ибратлики, у тарихнинг мураккаб даврида халқни тотувлик ва ҳамжиҳатлик сари бошлади, тарқоқ ўлка ва халқларни бирлаштирди ҳамда кучли марказлашган давлатга асос солди.

НИЯТИМИЗ — ЭЛ СОҒЛИГИ, ОМОНЛИГИ

Миллат бoқийлиги, шажаралар соғлиги энг аввало Аёл зотининг сийхат-саломатлиги билан бевосита боғлиқ. Зеро, соғлом зурриёт соғлом онадан туғилади. Республикада оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ишларига тобора катта эътибор берилмоқда.



Хизматлар лицензияланган

(Ўз мухбиримиз)

ФРАНЦИЯДА ТЕМУРИЙЛАР АССОЦИАЦИЯСИНING ЮБИЛЕЙИ НИШОНЛАНДИ

Франциянинг Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш бўйича ассоциацияси ўзининг йигирма йиллигини нишонлади.

Мазкур ассоциация 1988 йилда ташкил этилган бўлиб, соҳибқирон Амир Темур ва Темурийларнинг бой маданий меросини ўрганиш, Франция жамоатчилиги орасида Ўзбекистоннинг кўна тарихи ва маданиятини тарғиб этиш ишлари билан шуғулланади. Ташкилот Темурийлар даврига оид илмий тадқиқотлар олиб боради, турли тақдиротлар ўтказишда ҳамда адабиётлар нашр этади. Ассоциациянинг «Темурийлар» номли журнали саҳифаларида Ўзбекистон ва Франция олимларининг мазкур давр тарихи, санъати ва маданиятига бағишланган, шунингдек, Ўзбекистоннинг бугунги кундаги илмий ва маданий ҳаётига доир илмий мақола-лар мунтазам равишда чоп этиб келинмоқда.

Шампан худудида жойлашган Сезан шаҳрида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 672 йиллик ва «Темурийлар ассоциацияси»нинг йигирма йиллик юбилейи муносабати билан ташкилотнинг сайёр тадбирлари бўлиб ўтди. Унда Темурийлар ассоциацияси раҳбарлари ва аъзолари, ушбу шаҳар маъмурияти ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Сезан шаҳри мэри тадбир меҳмонларини кутлар экан, у бошқараётган шаҳар аҳли ва маъмурияти Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиб келаётган ассоциация юбилейида иштирок этаётганидан мамнуллигини қайд этди. «Бинобарин, ташкилот икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ўзаро тушуниш туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда ҳамда Франция жамоатчилигида Ўзбекистоннинг кўна тарихи ва бой маданиятини ҳар томонлама тарғиб этишга қўмаклашмоқда», деди у.

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчиси Р.Олимовнинг маърузасида қайд этилишича, Ўзбекистонда буюк аждо-лар томонидан кўн асрлар давомида яратилган ўзбек халқининг улкан маънавий ва маданий меросини қайта тик-лаш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Улар орасида Амир Темур-нинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда тарихда тутган ролига алоҳида аҳамият қара-тиб келинмоқда. Соҳибқирон бобомиз-нинг буюк хизматларига эҳтиром ра-мизи сифатида Тошкент, Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларида ул зотга ҳай-каллар ўрнатилди, шунингдек, Ўзе-бекистоннинг улғувор тарихи ва бугунги кунини ўзда акс эттирган Темурийлар тарихи давлат музейи очилди.

Ассоциация президенти ва асосчи-си, профессор Люсьен Керен Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни ва ме-росига батафсил тўхтади.



Парламент сайлови

Италияда Депутатлар палатасига бўлиб ўтган сайловнинг биринчи кун-и нихосига етди, деб хабар беради РИА Новости. Мамлакат ички ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, сайловнинг охири соатларида сай-ловчиларнинг 59,4 фоизи иштирок этди. Италия қонунчилиги сайловнинг қонуний бўлишини сайловчилар миқ-дори билан белгиламайди.



Эслатиб ўтамиз: Италия парламен-ти икки палатага, Депутатлар пала-таси ва Сенатдан иборат. Мазкур сай-лов мuddатидан олдин ўтказилмоқда. Январ ойи охирида ҳукуматнинг та-нг аҳволга тушиб қолгани, яъни Сенат Романо Проди ҳукуматига ишонч бил-дирмагани сабаб сайловни мuddати-дан олдин ўтказишга қарар қилинган.

Парламентдаги ўринлар учун асо-сан «Эрк халқи» блоки ва «Демокра-тик партия»-си кураш олиб борапти.

Путин партияга етакчилик қиладими?

Россия Федерацияси президенти Владимир Путиннинг Борис Грызлов ўрнига «Единая Россия» партиясига етакчилик қилиши масаласи кеча бошланиб, икки кун давом этадиган партиянинг тўққизинчи курултойида маълум бўлади, деб хабар беради РИА Новости. Грызлов партияга 2002 йилдан буён раҳбарлик қилмоқда. Май ойининг бошида эса Путиннинг президентлик ваколати нихосига етди. 2 мартда сайланган янги пре-зидент Дмитрий Медведев сайлов-дан аввал ўзи қолиб бўлган тақдир-да Путинга ҳукумат раҳбари бўлиш-ни таклиф қилганди.



«Единая Россия»га етакчи бўлишини Путинга бир неча бор таклиф этиш-ган. Сайловдан олдин у бу таклифга қўнмаган эди. Россия ОАВнинг айти-шича, партия ўз уставига ўзгартириш киритса, Путин партияга кирмай унга бошчилик қилиши мумкин.

«АГФЛЯЦИЯ» ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД СОЛМОҚДА

Покистонда бугдой, Германияда ёғ-ёки Италияда помидор пастаси кундан-кун қимматлашиб бораётгани янгилик бўлмай қолди. Умуман, бугунги кунда дунё бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари-нинг нархи ошадигани кузатиляпти. Ри-вожланган давлатларда агар соҳа оғир иқтисодий вазиятдан қутулган бир вақтда унинг дунё мамлакатлари озиқ-овқат тақчиллигига дуч келди.

Нефть нархининг кўтарилиши, таби-ий офатлар ва Хитойда озиқ-овқатга бўлган талабнинг ўсиб бораётгани кун-далиқ истеъмол маҳсулотларининг дунё бўйича қимматлашишга сабаб бўлди. Айниқса, ривожланаётган давлатлар бу тақчиллиқни ҳаммадан кўра кўпроқ ҳис этмоқда. 7 апрель кун Мисрда озиқ-овқат танқислигидан тартибсизликлар келтириб чиқарган тўққимачиларнинг 200 нафари ҳибсга олинган. Мутахассис-лар Мисрнинг деярли 40 фоз аҳолиси қашшоқлик чегарасида деган фикрлар-ни билдиришмоқда. Мамлакатда ёғ ва гуруч каби биринчи даражали озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўтган ой-нинг ўзида икки мартабга ошган. До-тация асосида бериладиган нон миқ-дори кескин камайди.

Март ойининг охирида Филиппин-да деҳқонлар гуруч ҳосили ўта кам бўлишини маълум қилган, давлат раҳбари Глория Арройо ҳукуматни бу тақчилдан чиқиш чорасини қўришга қарқарди. Шошлиқнинг тасдиқланган дастурга биноан Филиппин АҚШ, Вьетнам ва Таиланддан қўшимча гу-руч сотиб олади. Уйида гуруч қа-лангар эса шафқатсиз жазоланади.

БМТ бош қотибининг инсонларвар-лик масалалари бўйича ўринбосари Жон Холмснинг айтишича, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиши хал-қаро хавфсизликка таҳдид солади. Оч-лик туфайли юзга келаётган норози-ликлар иқтисоди ривожланаётган дав-латлар барқарорлигига путур еткази-ши мумкин. Сунги вақтда очлик ту-файли Миср, Сенегал, Мозамбик, Ин-донезия, Боливия, Гаитида аҳоли но-розилиги ортиб борапти. Озиқ-овқат тақчиллиги сабабли Камерунда юз-га келган тартибсизликда 40 киши ҳалок бўлган. Гаитида оломон пре-зидент саройига киришга уринган. Шу тариқа улар озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кўтарилишига норозилик билдирган. Тўқнашув жараёнида ками-да беш киши ҳалок бўлган.

Жаҳон банки директори Роберт Зел-линкнинг фикрича, сунги уч йил ичи-да асосий истеъмол молларининг нархи 80 фоизга кўтарилган. 8 апрель куни Goldman Sachs сармоя банки ўз ҳисо-ботида илк бор «агфляция» — агар соҳа маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилиши тушунчасини ишлатди. Озиқ-овқат тақчиллиги айниқса, Аф-рикага ўз зугумини ўтказмоқда. «Бу континентда бюджетнинг 70-80 фоизи четдан озиқ-овқат оладиган ҳудудлар-ни таъминлашга сарфланади», — дей-ди Оxfам хайрия ташкилоти вакили Марита Вигертхалле. «Сенегал аҳоли-си бу ерда миллий таом бўлган ба-лиқни ҳам олдингидек сотиб олишга қўриб етмаяпти. Натижада болалар

мактабдан қолиб ишга жалб этилмоқ-да. Овқат таркибида оқсилнинг ка-майиши ўзининг салбий натижасини бера бошлади», — дейди мутахассис.

Дунё бўйича сув ва ер ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши, асо-сий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг қондирилмаётгани кўпгина давлатларда қатор муаммоларни кел-тириб чиқармоқда. Покистонда бугдой ва гуруч ортилган юк машиналарини бир неча ҳарбий машиналар қўриқлаб туриши оддий ҳолга айланган. Малай-зия эса борган сари захирано тежаб ишлатишга ҳаракат қилмоқда. Экспорт қилинаётган унинг лицензияси бўл-са тадбиркор қаттиқ жазоланади.

Тараққий этган давлатлар учун ҳам озиқ-овқат тақчиллиги янгилик эмас. АҚШда кундалиқ истеъмол маҳсулот-лари нархининг ошиши инфляция ўси-шига олиб келаяпти. Италияда эса истеъмолчилар ҳукуклари химоя қилиш жамияти ўтган йил сентябрь ойида аҳолини помидор пастаси на-рхининг кўтарилишига қарши иш та-лаш эълон қилишга қарқарган. Герма-нияда эса ичимлик, ёғ ва сут маҳсу-лотлари нархи ўтган йил ёздан бери 50 фоизга кўтарилди.



Мутахассислар гушт нархи ҳам яқин келажақда ошишини тахмин қилипти. Хитой ва Бразилия каби тез суръат-лар билан ривожланаётган давлатлар-да кейинги беш йил ичида гушт ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши қиммат-чиликка олиб келади.

Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, жаҳон бўйича агар портлаш бошланганини энди ҳеч ким инкор қилолмайди. Агар ҳосилдорлик ген тек-нологияси ёрдамида оширилмаса, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кўтарилиши давом этаверад. Жаҳон озиқ-овқат ташкилоти ҳам худди шун-дай баёторат қилди. Ташкилот нефть нархининг ошиб бораётганидан хаво-тирда. Бу ҳар қандай ҳолда озиқ-овқат нархига таъсир этувчи омиллар. У ўйлангандан тортиб маҳсулотни қайта ишлаш жараёнида етакчи ўрин эгал-ловчи воситадир. Шу сабаб махкаж-хори, шакар ва соя нархи ошиб бо-ради. Шунга асосланиб, Жаҳон бан-ки «Озиқ-овқат маҳсулотлари умумий истеъмолнинг тўртдан уч қисmini таш-кил этадиган давлатларда бу тақчил-ликдан чиқиш имконияти жуда чеклан-ган» деб хулоса чиқарди. Мутахассис-лар фикрича, бу вазиятда қўшимча маблағ ёки ген технологиясининг ёрдамисиз муаммони ечиб бўлмайди.

Гулгун СУЛТОНОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ			
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 15 апрелдан бошлаб валюталар операциялари бўйича баъзи статистик ва бошқа ҳисоб-ботлари юритиш, шунингдек, бозор ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қиймати қиймати белгилади.*			
1 Австралия доллари	1209,45	1 Польша злотийси	594,44
1 Англия фунт стерлинги	2579,57	1 СДР	2133,30
1 Дания кронаси	275,15	1 Туркия лираси	1007,35
1 БАА дирҳами	354,81	1 Швейцария франки	1292,41
1 АҚШ доллари	1303,01	1 ЕВРО	2051,59
1 Миср фунти	239,66	10 Жанубий Корея вони	13,37
1 Исландия кронаси	18,01	1 Япония иенаси	127,67
1 Канада доллари	1285,53	1 Россия рубли	55,33
1 Хитой юани	186,19	1 Украина гривнаси	258,02
1 Малайзия ринггити	410,85		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республика-си Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очик танлов савдосини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилиш якуллан мuddати
1	4Н-1515А, «Чортоқ шаҳри — Булон қишлоғи» автомобиль йўлини 0-2 км. тўла таъмирлаш	114 665 887	2008 йил 30 сентябрь

Буюртмачи: Наманган вилояти, Амир Темур кўча-си, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳоким-лигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компа-нияси.

Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06. Қурилиш ишлари Молия вазирлиги ҳузуридаги Рес-публика йўл жамғармаси маблағи ҳисобидан молия-лаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк ка-фолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассис-ларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техника-вий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаё-қат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Наманган вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳ-ри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй, иш қунари соат 10.00дан 16.00гача мурожаат қилишлари мум-кин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91. Танлов ҳужжатлари бир тўпламнинг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси то-монидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси-га тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этил-гандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги ман-зилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.

Мамлакатимизда босқич-ма-босқич ва изчиллик бил-лан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чу-қурлаштириш жараёни банк тизимини ҳам қамраб олган-лиги туфайли халқ ҳўжали-гининг барча тармоқлари аниқ маромда ривожланмоқ-да. Иқтисодиётнинг реал сек-торига молиявий мадад бе-риш, аҳолининг бўш пул маб-лағларини банк омонатига жалб қилиш, филиаллар тар-моғини янада кенгайтириш орқали белгиланган бизнес режа кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишига эри-шаётган Ўзбекистон Рес-публикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки жа-моаси аллақачон миқозлар эътиробиға сазовор бўлган.

Бу борада айниқса Мил-лий банкнинг Фарғона ви-лоят бўлими фаолияти эъти-борга олинади. Зеро унинг кор-поратив миқозлари бўлими ийрик корхона ва ташкилот-лар молиявий мадад туфай-ли сезиларли натижаларга эришмоқда. Виллоятнинг экс-порт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган корхона-ларни иқтисодий қўллаб-қув-ватлаш, импорт ўрнини бо-садиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада қўлайитириш йўлида изланишлар олиб бораётир.

Бўлим жамоаси Ўзбеки-стон Республикаси Президен-тининг 2005 йил 15 апрел-даги «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асоси-

да халқ ҳўжалигига юқори си-фатли хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўрта-сида ички ва ташқи бозор му-носабатларини шакллантириш ва уни ривожлантириш бора-сида ўз амалий фаолиятини йўлга қўйган. Шунингдек, хал-қаро тўловлар тизими пухта ўрналаштириб борилиши билан биргаликда ички молия бозо-ридаги тўлов интизомига қатъий риоя этиш ва унинг устувор йўналишларини из-лаб топиш ҳамда амалда қўллаш бўйича доимий из-ланиш ишлари олиб бори-лмоқда.

2008 йилнинг 1 январь ҳолатига банкнинг Фарғона бўлими томонидан турли мулкчилик шаклидаги корпо-ратив миқозлар сони 6143 тага, жисмоний миқозлар сони 17442 тага, жами кре-дит қўйилмалари миқдори қарийб 11 млрд. 340 млн. сўмга етди. Шундан қисқа мuddатли кредитлар 5 млрд. 114,6 млн. сўмини, узок мuddат-ли кредитлар 6 млрд. 225,5 млн. сўмини ташкил этди. Утган йили виллоят бўйича иссиқхона-лар қуриш истагини билдирган ҳўжалик субъектлари банк то-монидан молиявий қўллаб-қув-ватланди. Иссиқхоналар бунёд этиш бўйича 17 та лойиҳага 271,1 млн. сўм ажратилди. Хозиргача қўллаб иссиқхоналар ишга тўширилди.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чи-қариши билан боғлиқ бўлган тақчилотларга хизмат кўрсатиш борасида ҳам анчагина ишлар қилинди. Деҳқон ва фермер ҳўжалиқларига замонавий тех-

ника воситалари минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш матери-аллари олиб берилаётди. Утган йили галларкор фермер-ларга 875 млн. сўмга Гер-маниянинг илғор «Класс» фирмасининг «Доминатор-130» комбайнлари олиб бе-ришларини қўйимиз дали-лидир.

2007 йил мобайнида банк-нинг ўз маблағлари ҳисоби-

да ёш оилаларга жами 1 млрд. 221 млн. сўм сармоя берил-ди. Шундан 204,5 млн. сўми истеъмол кредитлари, 817,3 млн. сўми ипотека кредитла-ри ва 199,6 млн. сўми мик-рокредитлардир. Аҳолига сер-вис хизмати кўрсатиш соҳа-сини ривожлантиришга эса 273,1 млн. сўм ажратилган-лиги боис бу соҳада ҳам сил-жиш сезилди.

янги ишчи ўринлари яра-тилди.

— Биз бир неча йил му-қаддам пахта толасини қайта ишлаб, ип-калава тайёрлайдиган корхона бу-нёд этишга киришгандик, — дейди Қўқон шаҳрида фао-лият қўриётган «Ишонч» акциядорлик жамияти раҳ-бари Икромжон Орипов. — Корхонага етакчи хорижий

фирмалардан дастгоҳ ва техноло-гик линияларни сотиб олдик. Бунда бизга Миллий банкнинг Фарғона виллоят бўлими молиявий ёрдам берди. Утган йили хо-машё ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун банкдан 300 млн. сўм кредит сўра-гандик. Банк ходимлари ушбу сармояни тезда рас-мийлаштириб беришди. Корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ошди, қўшимча йилгирмат янги ишчи ўрни яратилди.

Банк фаолиятдан «Қўқон ёғ-мой» акциядорлик жамия-ти аҳли ҳам хурсанд. Корхо-

на раҳбари Муроджон Имо-мовнинг айтишича, банкдан 600 млн. сўм кредит олиниб-ди. Бунинг ҳисобига қўллаб-хомуш келтирилиб, йилгирма нафар йилгит-қиз иш билан таъминланган. Мухаммад-мин Турсунов раҳбарлигидаги «Фарғона дори-дармон» ак-

циядорлик жамияти банкдан 250 млн. сўм кредит олиб, юр-тоқларига сифатли дори маҳ-сулотлари етказиб берапти. «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси ва унинг туманлар-даги филиалларига эса жами 1 млрд. 500 млн. сўм кредит ажратилди. Бунинг ҳисобига 45 та янги ишчи ўринлари қайта бўлди.

— Кейинги йилларда вилло-ятимизда чорва моллари маҳ-сулдорлигини янада оширишга эҳтиёт турилмоқда, — дей-ди Фарғона туманидаги «Во-дий Болтабоев Ал Азиз» фер-мер ҳўжалиги раҳбари Али-шер Болтабоев. — Маҳаллий

МОЛИЯВИЙ РАҒБАТ — ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ҚАНОТ

дан жами 461,7 млн. сўм ва иш билан таъминлашга қўмаклашув жамғармаси маблағи ҳисобидан 97,2 млн. сўм, жами 558,9 млн. сўм им-тиёзли микрокредитлар бе-рилди. Натижада аёллар ўз уйларида чорва маҳсулотла-ри етиштириб, рўзгорларига барака киритишмоқда. Четдан зотли қўрамол олиб келиш учун ўн битта фермер ҳўжа-лигига эса 155 млн. сўм им-тиёзли кредит берилди.

Ёш оилаларни қўллаб-қув-ватлаш мақсадида банк бўли-ми томонидан қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2007 йил давоми-

да 592 млн. сўм истеъмол кредитларининг аҳамия-ти ошиб борапти. Чунки бу ҳам хайрли ишлардан бири-дир. Таълим учун 11,4 млн. сўм, истеъмол товарлари со-тиб олишга 446,4 млн. сўм, микропроцессор пластик кар-точкалари орқали «Оверд-рафт» кредитлари 170,8 млн. сўмини ташкил этди.

Ийрик инвестицион лойи-ҳаларни молиялаштириш доимо банк бўлимининг диққат-этиборида. Бунинг натижасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқа-риш қўлайиб, анчагина

фирмалардан дастгоҳ ва техноло-гик линияларни сотиб олдик. Бунда бизга Миллий банкнинг Фарғона виллоят бўлими молиявий ёрдам берди. Утган йили хо-машё ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун банкдан 300 млн. сўм кредит сўра-гандик. Банк ходимлари ушбу сармояни тезда рас-мийлаштириб беришди. Корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ошди, қўшимча йилгирмат янги ишчи ўрни яратилди.

Банк фаолиятдан «Қўқон ёғ-мой» акциядорлик жамия-ти аҳли ҳам хурсанд. Корхо-

на раҳбари Муроджон Имо-мовнинг айтишича, банкдан 600 млн. сўм кредит олиниб-ди. Бунинг ҳисобига қўллаб-хомуш келтирилиб, йилгирма нафар йилгит-қиз иш билан таъминланган. Мухаммад-мин Турсунов раҳбарлигидаги «Фарғона дори-дармон» ак-

циядорлик жамияти банкдан 250 млн. сўм кредит олиб, юр-тоқларига сифатли дори маҳ-сулотлари етказиб берапти. «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси ва унинг туманлар-даги филиалларига эса жами 1 млрд. 500 млн. сўм кредит ажратилди. Бунинг ҳисобига 45 та янги ишчи ўринлари қайта бўлди.

— Кейинги йилларда вилло-ятимизда чорва моллари маҳ-сулдорлигини янада оширишга эҳтиёт турилмоқда, — дей-ди Фарғона туманидаги «Во-дий Болтабоев Ал Азиз» фер-мер ҳўжалиги раҳбари Али-шер Болтабоев. — Маҳаллий

қўрамолларнинг маҳсулдорлиги анча паст. Нари бора, йилига 3500-4000 килограмм сут бе-ради. Эндиликда бизга йилига ка-мида 8-10 тонна серқаймоқ сут берадиган сиғирлар зарур. Шу боис хориждан зотли қўрамол-лар олиб келишга киришдик. Миллий банкнинг Фарғона ви-лоят бўлимининг 170 млн. сўм кредит олиб, Европа мамла-катларидан қўллаб маҳсулдор қўрамоллар олиб келдик. Аини пайтда уларни яхши парваришлаб, қўзланган на-тижага эришяпмиз. Устига устак 15 та ишчи ўринлари ташкил қилдик.

Пул муомаласини ташкил қилиш ва миллий валюта-миз — сўмнинг барқарор-лигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида миқозларнинг иш ҳақлари ва унга тенг-лаштирилган тўловлар ҳамда почта алоқа тармоқлари орқа-ли етказиладиган пенсия, на-фақа пуллари ўз вақтида бе-рилмоқда. Нақд пулнинг банк-дан ташқари айланмасини янада қисқартириш, миқозларнинг биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуksиз таъминлаш борасида ҳам ижобий натижа-ларга эришяпмиз.

Корхона ва ташкилотлар иш-чиларига сўм микропроцессор пластик карточкалари орқали «Овердрафт» кредитларини аж-ратиб бўйича республика Мил-лий банки бошқаруви томони-дан режа-ҳақвал тасдиқланган бўлиб, унга асосан Фарғона

бўлимида ҳам корхона ва ташкилотлар ишчиларига сўм микропроцессор пластик карточкалари орқали «Овердрафт» кредитларини аж-ратиб бўйича республика Мил-лий банки бошқаруви томони-дан режа-ҳақвал тасдиқланган бўлиб, унга асосан Фарғона

бўлимида ҳам корхона ва ташкилотлар ишчиларига сўм микропроцессор пластик карточкалари орқали «Овердрафт» кредитларини аж-ратиб бўйича республика Мил-лий банки бошқаруви томони-дан режа-ҳақвал тасдиқланган бўлиб, унга асосан Фарғона

бўлимида ҳам корхона ва ташкилотлар ишчиларига сўм микропроцессор пластик карточкалари орқали «Овердрафт» кредитларини аж-ратиб бўйича республика Мил-лий банки бошқаруви томони-дан режа-ҳақвал тасдиқланган бўлиб, унга асосан Фарғона

бўлимида ҳам корхона ва ташкилотлар ишчиларига сўм микропроцессор пластик карточкалари орқали «Овердрафт» кредитларини аж-ратиб бўйича республика Мил-лий банки бошқаруви томони-дан режа-ҳақвал тасдиқланган бўлиб, унга асосан Фарғона

бўлимида ҳам корхона ва ташкилотлар ишчиларига сўм микропроцессор пластик карточкалари орқали «Овердрафт» кредитларини аж-ратиб бўйича республика Мил-лий банки бошқар

Тиббиёт, ислохот, тараққиёт

Мамлакатимизда аҳоли сиҳат-саломатлигини муҳофазалаш ва тиббиёт тизимини такомиллаштириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Мустоқиллик йиллари тизимда чуқур ислохотлар амалга оширилди, янги-янги йўналишлар пайдо бўлди, даволаш профилактика муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, самарадорлиги ошди.

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломат БЕҒАЛИЕВ билан бўлган суҳбатимиз шу ҳақда борди.

— Юртимизда тиббиёт тизими жаҳон андазаларига мос тараққиёт йўлига чиқиб олди, десак ҳеч муболаға эмас, — дея сўз бошлади Саломат Мақсумбоевич, — Бу — том маънода Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислохотлар мевасидир. Биргина Қорақалпоғистон мисолида олиб қарайдиган бўлсак, кейинги йилларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, тизимни ислох қилишнинг асосий йўналишларидан бири — соҳа муассасалари фаолияти экстенсив ривожланиш усулидан — интенсив ривожланиш йўналишига ўтказилди. Асосий эътибор — амбулатория-поликлиника шариоитида тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар тизими ривожига қаратилди.

2003-2007 йиллар давомида тизимда ўтказилган ислохотлар ва реструктуризация натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг содда, иқтисодий самарадорлиги ва сифати юқори янги тизими шакллантирилди. Қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий санитар ёрдам кўрсатувчи, аммо талаб даражасида бўлмаган 50 дан зиёд даволаш-профилактика муассасалари фаолияти тугатилиб, улар ўрнида замонавий қишлоқ врачлик пунктлари пайдо бўлди. Шунингдек, реструктуризация жараёнида самарасиз ишлаётган касалхоналар фаолияти ҳам тўқтатилиб, аҳолига стационар ёрдам кўрсатувчи муассасалар ташкил этилди.

Ҳозир республикаимиз аҳолиси 3528 нафар малакали

бинолари капитал таъмирдан чиқди, реконструкция қилинди...

Марказ ва унинг туман бўлимларида ишлаётган 300 нафарга яқин врач Респуб-

лика шўшилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида малака оширишлар. Уларнинг 10 нафардан ортиғи Россия ва Украина каби дав-

лаш мақсадида болалар йил сайин чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Бемор болалар амбулатория, стационар ва санаторий шариоитларида соғломлаштириб боришмоқда.

Болалар орасида камқонлик, эндокрин ва нафас олиш аъзолари касалликларини даволаш ҳамда олдини олишда кенг қамровли ишлар олиб

тилган ун ва йодланган туздан самарали фойдаланиш жараёнилари деярли йўлга қўйилди.

Республика Скрининг марказига чақалоқлар ва ҳомиладор аёлларда туғма аномалияларни олдиндан аниқлаш имконини берувчи рангли ультратовуш текшириш аппарати берилди. Барча туманлардаги туғруқ мажмуалари

бўйича амалга оширилган тадбирлар тўғрисида нима дея оласиз?

— Бугун ер юзиде рўй бераётган глобал исиш ва иқлим ўзгаришининг одамлар соғлиғига салбий таъсири тобора сезилиб бормоқда. Аҳоли орасида ижтимоий касалликлар учрамоқда. Уларни даволашга иқтисослашган даволаш-профилактика муассасалари тармоғи

2003 йилгача барча туман ва шаҳарларни қамраб олди. Тизимга Германиянинг ривожланиш ва тараққиёт банки (KfW) гранти ҳисобига 3 млн. немис маркаси ҳажмида тиббий асбоб-ускуналар, автотранспорт ва дори-дармонлар келтирилди.

— Тизимда ечимини қутаётган муаммолар ҳам борми?

— Тўғриси, ҳали қилишимиз керак бўлган юмушлар ва мавжуд муаммолардан кўз юма олмаимиз. Тизимни кадрлар билан таъминлашни яхшилаш бўйича республикада олиб борилаётган тадбирлар туфайли Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалида санитария-гигиена соҳаси бўйича врачлар ва олий тоифали ҳамширалар тайёрлаш бўлимлари ташкил этилди. Бутун Жаҳон банкининг «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари бўйича ҳамкорликда ушбу институт филиали қошида умумий амалиёт врачларини тайёрлаш ўқув маркази вужудга келди. 2003-2007 йиллар давомида 150 нафарга яқин врач бу ерда 10 ойлик курсда малака оширилди.

Ечимини қутаётган муаммоларга келсак, тизимни тобора юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масаласида бироз қийинчиликлар бўлапти. Чекка туманлар аҳолисида тиббий хизмат кўрсатувчи амбулатория-поликлиника муассасаларида айрим мутахассисликлар (офтальмолог, невропатолог, ЛОР, кардиолог, психиатр, нарколог) бўйича кадрлар етишмовчилиги сезилмоқда. Биз ҳозир бу муаммолар ечимини устиде ишлаяпмиз, албатта...

Халқимизда ҳикматли нақл бор: изланганга толе ёр дейдилар. Изланаяпмиз. Мақсадимиз битта: эл-юрт соғ бўлсин, омон бўлсин.

Суҳбатдош:
Рейимбой ЁШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон 8883»
муҳбири

НИЯТИМИЗ — ЭЛ СОҒЛИГИ, ОМОНЛИГИ

врачлар тиббий хизмат кўрсатмоқда. Аҳолининг олий маълумотли, ихтисослашган врачлар билан таъминлаш кўрсаткичи ҳар 10000 нафар аҳолига 22,2 нафарни ташкил қилади. Ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланиш даражаси эса 99,2 нафарга тенг. 2001 йилда республикада тоифали врачлар салмоғи 30 фоиз бўлган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 51,1 фоизга, ўрта тиббиёт ходимлар 21 фоиздан 32 фоизга етди...

— Тизимда амалга оширилган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда жойларда, жумладан, Нукусда ҳам марказ филиали ташкил топди. Унинг бугун аҳоли соғлиғини муҳофазалашдаги ўрни қандай?

— 2002 йилнинг январь ойида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиали ва унинг туманлардаги бўлимлари фаолияти ҳам тўқтатилиб, аҳолига стационар ёрдам кўрсатувчи муассасалар ташкил этилди. Ҳозир республикаимиз аҳолиси 3528 нафар малакали

латларнинг етакчи клиникаларида тақриба орттиришди. Филиал тиббий жамоаси 2004-2007 йилларда 500 нафарга яқин кам таъминланган фуқароларга имтиёзли тиббий хизмат кўрсатди...

— Юртимизда баркамол авлод таълим-тарбияси, уларнинг маънан қомил, жисмонан бақувват инсон бўлиб вояга етишлари учун аҳолида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ёшлар саломатлигини таъминлаш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.

— Миллат бокйилиги, шажаралар соғлиғи энг аввало Аёл зотининг сиҳат-саломатлиги билан бевосита боғлиқ. Зеро, соғлом зурриёт соғлом онадан туғилади. Республикаимизда оналар ва болалар саломатлигини тобора яхшилаб бориш учун қатор ижобий ишларга қўл урилди. Ҳозир республика бўйича 15 ёшгача бўлган болалар умум аҳолининг учдан бир қисmini ташкил қилади. Уларнинг саломатлик даражасини аниқлаш, мавжуд касалликларни вақтида да-

борилапти. Халқаро болалар ташкилоти ЮНИСЕФ билан биргаликда камқонликнинг олдини олиш бўйича 1998-2007 йилларда 2 ёшгача бўлган болалар, 15 ёшдан 38 ёшгача бўлган хотин-қизлар ва ҳомиладор аёллар темир моддаси қўшилган препаратлар билан тўла таъминланди. Ҳозир бойи-

ҳомийлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига Осиё тараққиёт банки талаблари асосида таъмирланди.

— Худудимиз ҳозир экологик нуқудай шароит қуршовида бўлган бир пайтда аҳоли соғлиғини муҳофазалаш ва ижтимоий хасталиклар давоси

кенгайтирилди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Натижада бугунга келиб, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга чалиниш кўрсаткичлари қамайди. Масалан, сил касаллигини даволашга ихтисослашган ДОТС лойиҳаси 1998 йилнинг 1 июлидан Мўйноқ туманида бошланиб,



Спорт

ХАЛҚАРО ТУРНИР ОЛДИДАН

1-6 май кунлари Ўзбекистон Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган V халқаро анъанавий турнир Қашқадар вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтади

Кеча халқаро турнир олдидан Олимпия шон-шухрат музейида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Эллика яқин давлатлардан 100 нафарга яқин полвон иштирок этиши кўтилаётган бу нуфузли мусобақада курашчилар уч вазн тоифасида 73, 90 ва мутлак вазнда гиламга чиқадилар. Кураш халқаро ассоциациясининг маълумотида кўра, бу йилги иштирокчилар сонини яна тўртга ортади. Ирок, Саудия Арабистони, Эрон ва Афғонистон давлатларининг

полвонлари иштирок этиши кўти-лимоқда. Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари М.Ахматов, Бутунжаҳон Курашнинг ривожлантириш жамғармаси раиси Х.Тоҳиёв, Ўзбекистон кураш миллий федерацияси бош қотиби Т.Рўзиев ва бошқа мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Аброр МЕЛИБОВЕВ

ЖАҲОН КУБОГИ БАҲСЛАРИДА

Ўтган йилнинг 12-21 ноябрь кунлари Анталия (Туркия)да футбол бўйича ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси олтин медалга сазовор бўлган эди. Шоҳсупага кўтарилган спортчиларимизнинг асосини эса Тошкентнинг «Байналминал» жамоаси аъзолари ташкил этганди.

Шу йилнинг 24 май — 1 июнь кунлари Сочида Россия футбол уюшмаси ташаббуси билан ампутант футболчилар ўртасида «Бутунжаҳон кубоги — 2008» халқаро турнири уюштирилади. Дунёнинг ўндан ортқ давлатлари вакиллари иштирок этиши кўтилаётган мазкур мусобақада «Байналминал» жамоаси ҳам қатнашади.

Анвар Исмоилов бош мураббийлик қилаётган «Байналминал» футболчилари нуфузли турнирда қуйидаги таркибда иштирок этиши режалаштирилмоқда: дарвозабонлар — Зоҳидхўжа Тошхўжаев, Ҳикмат Расулов, ҳимоячилар — Азизжон Азиев, Бекзод Ҳакимов, Қудрат Ҳудойқуллов, ярим ҳимоячилар — Хайдарали Турсунбоев, Нуриддин Турсунов, Абдуҷалил Шукуров, Мухаммадазиз Арапов, ҳужумчилар — Павел Сулейманов, Аъзамжон Исмаилов, Азиз Абдурахмонов.

Миннатдорчилик

УЙИМ ҚАЙТАРИБ БЕРИЛДИ

Бировга яхшилиқ қилиб, охир-оқибат тўхматга учраб, бошимдан қанча савдолар ўтди. Бошпанасиз қолган бир оилага уйимни вақтинча ижарага бериб, сўнг зўрға қайтариб олдим. Ҳақлигимизни, шу хонадон эгаси эканлигимизни исботлаш учун қанча эзилдим.

Адолат истаб маҳаллақўй, ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишимга тўғри келди. Кассация тарикасида ёзган аризамни Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди қўриб, ажрим чиқарди. Суд ҳукми асосида ёзилган «Раҳмат эшитиш ўрнига» сарлавҳали мақолани «Ўзбекистон овози» газетасининг 2008 йил 15 март сониде эълон қилиниши эса нур устига аъло нур бўлди.

Айниқса, Андижон шаҳар суд ижрочилиари бўлими суд ижроси Файзилла Думаев имзоси билан шаҳардаги тегишли ташкилотлар ва жавобгар Манзураҳон Ёқубовалар номига хат йўллаб, суд ижросини 2008 йилнинг 25 мартга тайинлангани ҳақида маълумот бериши айни муддао бўлди. Ихро таъминланиб, Манзураҳон Ёқубова мажбурий тартибда хонадондан қўчирилди. Уй ўзимга қайтарилди.

Ҳақ қарор топишида ўзларининг сай-ҳаракатлари билан менга кўмак бериб, маъ-

нан қўлаган газета таҳририятига, Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судига, Андижон шаҳридаги «Ўзгариш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аваз Мирзаев, 8-сонли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нурхон Ашурова, фахрийлардан Муҳаммадхон Сатторов, суд ижроси Файзилла Думаевларга оиламиз номидан чексиз миннатдорчилик билдираман.

Мавлудахон ДЎСМАТОВА,
Андижон шаҳар,
«Ўзгариш» маҳалласи.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ПГС»

Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси

қуйидагиларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади:

- ❖ электр калорифер-иситтигилар (саноат корхоналари учун, қуввати — 6, 12-20 кВт);
- ❖ электр калорифер-иситтигилар (маиший қуввати — 1, 8 кВт);
- ❖ мини нововойоналар (ишлаб чиқариш қуввати — соатига 64 та буханка нон);
- ❖ электр қозонлар (қўра), қуввати — 2, 9, 12 кВт;
- ❖ кабоб пиширадиган электр қўралар (умумий овқатланиш корхоналари учун ва маиший) — 1,7 - 6 кВт;
- ❖ сауналар учун электр жиҳозлар, қуввати — 2, 6, 8, 10, 12 кВт.

Буюртмаларни қуйидаги манзилга:
Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 125-уй,
электрон почта: e-mail: pgs4@yandex.ru ёки
тел/факс: 279-38-54 орқали юбориш мумкин.
Махсус сертификатланган.

Жиҳозлар Давлат ённингга қарши назорат ташкилоти томонидан фойдаланишга рухсат этилган.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси Бектемир туман партия кенгаши раиси Х.Розиметовга отаси **Сайдулла РОЗИМЕТОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Каттақўрғон туманидаги 17-ўрта мактаб жамоаси меҳнат фахрийи **Мухаммади ИСМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ГОЛЛАРГА БОЙ УЧРАШУВЛАР

Футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати учрашувлари турдан турга қизғин тус олмоқда. Нихоясига етган бешинчи тур ўйинлари голларга бой бўлди.

Андижонда ўтган «ЎзДонг-Жу» — «Динамо» (Самарқанд) жамоалари учрашувидан ташқари (1:1) бирорта ўйинда дуранг натижа қайд этилмади. Кўпчилик Зарафшонда ўтказилган «Қизилқум» — «Қурувчи» баҳсида тошкентликларнинг очко йўқотишини башорат қилганди. Бирок ўнда Миржалол Қосимов шогирдлари мезбонларни йирик ҳисобда доғда қолдирди — 1:5. Пахтакорчилар эса ўз майдонида Ҳузорнинг «Шўртан» жамоаси дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритишди.

Ўтган турда Муборакнинг «Маъшар» футболчилари 2:1 ҳисобида имкониятни бой берган «Насаф» (Қарши) жамоасида айрим ўзгаришлар

юз берди. Хабарингиз бор, мавсум бошида Максим Чеботарь («Звезда» Серпухов, Россия), Рамаз Жабидаев (Динамо) Ботуми, Грузия), Михаил Пилипка («Витязь» Подольск, Россия) каби легионерлар қаршилиқлар билан шартнома имзолашган эди. Муборакдаги мағлубиятдан сўнг, «Насаф» футбол клуби раҳбарияти бу футболчиларга жавоб бериб юборди. Сўнгги турда уюшқоқлик билан тўп сурган қаршилиқлар ўз майдонларида Бекободнинг «Металлург» футболчилари устидан 2:0 ҳисобида зафар қучишди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд



қилинди: ОТМК (Олмалик) — «Андижон-ЎзДЭУавто» — 1:0; «Бухоро» — «Навбахор-Н» (Наманган) — 2:1; «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Маъшар» — 2:4; «Нефтичи» (Фарғона) — «Локомотив» (Тошкент) — 1:0. Олтинчи тур ўйинлари 18-19 апрель кунлари бўлиб ўтади.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afar HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Nomoza SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
(Tel. faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamooatchilik bilan aloqalar va huquqliy targ'ibot
233-12-56
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80

VILOYAT MUHBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozining kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshamba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'rifiyat xurrisati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349

12869 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 22.30
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda